



# ФАРҒОНА ҲАҚИҚАТИ

Кун жараёни

Айни пайтда юртимизда миллий хунармандчиликни замонавий мезонлар асосида ривожлантириш мақсадида кенг кўламли сайъ-ҳаракатлар амалга ошириляпти. Бу соҳага қаратилаётган юксак эътибор ва рағбат, солиқ имтиёзлари, қулай тадбиркорлик муҳити Фарғона хунармандчилиги ҳам жадал ривожланишида муҳим омил бўлмоқда.

## ВИЛОЯТИМИЗ ХУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ



Марғилон шаҳрида мухташам Хунармандлар маркази қад ростлаб, фарғоналик қалби ва қўл гул хунармандлар маҳоратини намоён этувчи ажойиб мажмуага айланди. Биргина жорий йилнинг ўзида вилоятимизнинг бир неча шаҳар-туманларида Хунармандлар марказлари қуриб

битказилди. Баъзи ҳудудларда бундай марказларни қуриш ишлари жадаллик билан олиб бориляпти. Эзгу мақсад йўлидаги ташаббускорлардан бири — машҳур хунарманд Иброҳимжон Султонов эришаётган муваффақиятлар ҳам эътиборга лойиқ. У кунни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган

“Ташаббус-2021” кўрик-танловининг республика босқичида “Йилнинг энг яхши хунарманди” номинацияси голиби бўлгани Фарғона хунармандчилигининг кейинги йиллардаги ютуқларига берилган юксак баҳодир. — Ўттиз йилдан буён бобомерос хунарни ардоқлаб, табиий ипак маҳсулотларимиз жаҳон бозорида ўз ўрни,

нуфузига эга бўлишига ҳаракат қиялмиз, — дейди Иброҳимжон Султонов. — Марғилон шаҳридаги хунармандчилик маркази вилоятимизнинг туристик маршрутлари рўйхатида киритилгани ҳам асрлар мобайнида сайқалланиб келаётган дурдона меросимиз халқро микёсда тобора машҳур бўлишини таъминляпти. **Ўз муҳбиримиз.**



## ШОҲИМАРДОН — Кўли Қуббон осма йўли ишга тушди

Сайёҳлик мавсумининг очилишига бағишланган тадбирлар икки қардош халқ байрамига айланиб кетди



Пурвиқор тоғлар бағрида жойлашган Шоҳимардоннинг ўзига хос оҳанрабои, таровати бор. Сўлим табиати, зилол сойлари, тоза ҳавоси ҳар қандай кишини мафтун этади. Ҳазрат Али зиёратгоҳида эса руҳингиз таскин топиб, маънан қувват оласиз.



омонлик тилаб, дуога қўл очишди. Кўли Қуббон — Шоҳимардоннинг жануб тарафида, қишлоқ марказидан 5 километр узоқликда, Қирғизистон Республикаси ҳудудида жойлашган. 3000 метр баландликдаги тоғ бағрида Кўли Қуббон ёки Қўккўл табиат мўъжизаси сифатида жуда гўзал маскандир.

Бу ердаги осма дор йўли бугун қайта ишга туширилди. Икки вилоят раҳбарлари шу йўлдан Кўли Қуббонга чиқди. Моторли қайиқда кўлни кўздан кечириб, хушманзара жойлар билан танишди.

— Халқларимиз орзуси ушалди. Эндиликда ўзбек ва қирғиз халқлари Шоҳимардонга, Қадамжойга, Кўли Қуббонга келишлари, дам олиб, зиёрат қилишлари учун шароитлар яратилди. Бу Президентларимизнинг амалий сайъ-ҳаракатлари самарасидир, — деди вилоят ҳокими.

Делегация аъзолари Қадамжой туманидаги Жийдалик кўлида бўлишди. “Металлург” ўйингоҳида икки қардош халқлар дўстлиги, биродарлик ришталарини тараннум этувчи театрлаштирилган концерт дастурлари намойиш этилди.

**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ.**  
**Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.**

Тўрт тарафи тоғлардан иборат мафтункор бу қишлоқнинг Оқсув ва Кўксув сойлари дилингизга ҳузур бағишляйди. Айни кунларда кўхна қишлоқ сайёҳлик маскани сифатида барчани ўзига чорламоқда.

Шоҳимардон қишлоғи ва Қирғизистон Республикасининг Боткен вилоти Қадамжой туманида сайёҳлик мавсумининг очилишига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди.

Унда икки вилоят раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари, санъаткорлар ва журналистлар

иштирок этди.

Вилоят делегацияси аъзолари Қадамжой тумани чегарасида катта тантаналар билан кутиб олинди.

Фарғона вилоти ҳокими Хайрулло Бозоров, Қирғизистон Республикаси Ҳукуматининг Боткен вилотидаги муҳтор вакили Абдукарим Алимбоев ўзбек ва қирғиз халқларининг дўстлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётганлигини, хусусан, туризм соҳасида ҳамкорлик янги босқичга кўтарилганини таъкидлашди.

Шоҳимардон қишлоғидаги илк манзил — Ҳазрат Али зиёратгоҳи бўлди. Бу ерда икки қардош халқ вакиллари юртларимизга тинчлик-



Халқ билан мулоқотнинг йўлга қўйилганлиги натижасида бугун кўплаб масалалар ўз ечимини топяпти. Зеро, муаммонинг катта-кичиги бўлмайди, гап унга муносабатда, ечимда. Жойларда ўтказилаётган сайёр қабуллар ҳам халқ ичига кириб бориш, ташвиш ва муаммоларини чуқур ўрганган ҳолда тегишли идора, ташкилотлар билан бамаслаҳат ҳал этишнинг натижадор воситаси сифатида муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

## Юқори идораларга МУРОЖААТЛАР

### НЕГА КЎПАЙДИ?

**В**илоят ҳокимлигида ташкил этилган марказ томонидан вилоят ҳокими қабулларида бошқармалар, шаҳар ва туман ҳокимликларига ижрога юборилган топшириқларининг натижалари таҳлил этилди. Жумладан, жорий йилда вилоят ҳокими томонидан ўтказилган 7 та қабул давомида 520 нафар фуқаро қабул қилиниб, улар томонидан кўтарилган 363 та масаланинг ижроси назоратга олинган. 232 таси вилоят бошқармаси ва 131 таси шаҳар, туман ҳокимликларига юборилган.

#### Ўрганиш натижалари бўйича:

Бандлик бош бошқармасига ижро учун йўналтирилган **31 та** муурожаатдан **10 та (32%)**;

вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасида **6 та** муурожаатдан **3 та (50%)**;

“Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖДА **5 та** муурожаатдан **4 та (80%)**;

Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармасида **13 та** муурожаатдан **5 таси (38%)** ижобий ҳал этилган.

— Афсуски, барча масъул ташкилотлар ҳам қабуллар давомида тушган муурожаатларни ижобий ҳал этишга етарли эътибор қаратяпти, деб бўлмайди, — дейди вилоят ҳокимлиги девонхона бўлими мудири Маърифат Ахунжонова. — Масалан, пенсия жамғармаси, адлия, халқ таълими, давлат активлари, мактабгача таълим, Марказий банк бошқар-

малари муурожаатлар билан ишлашда, уларни ижобий ҳал этишда сусткашликка йўл қўймоқда. Қўштепа, Фарғона, Олтиариқ, Фурқат, Бешариқ, Учкўприк туманлари ҳокимликлари ҳам бу борадаги ишларни яхшилашлари керак.

Аризачи қониқарли жавоб олмаганидан сўнг юқори органларга муурожаат қилишга мажбур бўляпти. Вилоят ҳокими қабулини сўраб келувчилар сони ошиб бораётганлиги буни яққол кўрсатиб турибди. Жорий йилнинг апрель ойида виртуал қабулхонага муурожаат қилган 62 нафар фуқаро вилоят ҳокими томонидан қабул қилинган бўлса, май ойининг якунида қабул сўраган фуқаролар сони яна 40 нафардан ошиб кетди.

Масъуллар томонидан муурожаатларда кўрсатиб ўтилган масалаларни қонуний ҳал этишга жиддий ёндашилмаяпти, аҳоли билан

тушунтириш ишлари етарли даражада ташкил этилмаяпти. Натижада аризалар сони кўпаймоқда. Масалан, Олтиариқ тумани, “Мустақиллик” МФЙ ҳудудидаги 30 сотих ернинг спорт майдончаси туман ҳокими томонидан тадбиркорга бериб юборилган. Ўз навбатида, тадбиркор ҳеч бир ҳужжат тақдим этмаган, аҳоли билан ўзаро келишимовчилик чиққан. Бу борада туман ҳокимлиги томонидан тушунтириш ишлари олиб борилмаганлиги натижасида маҳалла аҳолиси вилоят ҳокимлигида ўз норозиликларини билдирган. Шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳам муурожаатларнинг қонуний ечимини топиш ўрнига, турли ваъдалар билан чекланаётганини қандай тушуниш керак? “Масала бизнинг ваколатимизга кирмайди” деган вазъат муаммони ижобий ҳал қилмайди.

Вилоят ҳокимлигига келиб тушган муурожаатларни ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш бўйича берилган топшириқларга қарамай, 145 та ҳолатда белгиланган муддатлар асосиз равишда бузилишига йўл қўйилган. Хусусан, Марғилон (7 та), Қўқон (5 та) шаҳарлари, Олтиариқ (16 та), Учкўприк (12 та), Бағдод (7 та), Фарғона (9 та) туманлари ҳокимликлари, вилоят соғлиқни сақлаш (11 та), Бандлик (8 та), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш (7 та), кадастр (5 та) бошқармалари муурожаатларни эътиборсиз қолдирган.

Ҳар бир муурожаат ортида инсон тақдири, уни қийнаб келаётган масала турибди. Шу боис унга бефарқ бўлишга масъул раҳбарларнинг асло ҳаққи йўқ.

**М. СУЛАЙМОНОВ.**

## ҲАР БИР ОИЛАНING ДАРОМАД МАНБАИ БЎЛАДИ



Шу кунларда вилоятимизда ғалла ва эртаки экинлар ҳосилидан бўшайдиган ерда такрорий экин экиш ҳисобига ҳар бир оиланинг даромад манбаига эга бўлиши таъминланмоқда.



Белгиланган режа асосида Ёзёвон туманида 18,5 минг нафардан ортик ҳамюртимизга 5,7 минг гектардан кўпроқ ер бириктириляпти.

— Ғалладан бўшаган 8 гектар ер “Истиқлол” МФЙда истиқомат қилувчи “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”га киритилган ҳамқишлоқларимизга 0,25 гектардан тақсимлаб берилди, — дейди Ёзёвон туманидаги “Ёз агро-стар” фермер хўжалиги раҳбари Абдор Солиев. — Фермер хўжалиги ҳисобидан ер майдони тракторда ҳайдалиб, экин экишга тайёрланди. Туман фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш бўлими Кенгаши томонидан уруғлик етказиб берилмоқда. Уруғлик пули ҳосил даромадидан қопланади.

“Истиқлол” МФЙда яшовчи Ҳабибулло Ҳусанов “Ёшлар дафтари”га киритилган. У ўзига ажратилган ерда такрорий экин сифатида мош экиш тараддуидида. Дастлабки ҳисоб-китобига кўра, 5 млн. сўм даромад олади. Мош пояси оила чорваси учун қўшимча озуқа.

“Янгиобод” МФЙ туман марказидан 40 км олисда жойлашган. Ҳудуддаги “Муҳаммадизик иқболи” фермер хўжалиги томонидан 17 нафар ишсизга 4,25 гектар ер майдони такрорий экин учун ажратиб берилди. Ҳозирги кунда ушбу ерда шולי экиляпти.

Таъкидлаш ўринлики, эзгу ташаббус доирасида Ёзёвон туманида 8,5 мингдан зиёд расмий ишсиз бўлган оила вакиллари иш билан таъминланди.

**Ботир МАДИЁРОВ.**

Кичик саноат зоналари:

## ТАДБИРКОР МУАММОЛАР ГИРДОБИДА ҚОЛМАСИН

**Ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ҳамда тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда кичик саноат зоналарининг ўрни катта. Шу боис ҳам бугунги кунда вилоятимизда мазкур йўналишдаги белгиланган вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратиляпти. Сектор раҳбарлари кичик саноат зоналаридаги ишларни самарали ташкил этиш, лойиҳаларни муддатида ишга тушириш ва зарур инфратузилмани яратишга шахсан масъул ҳисобланади.**

**В**илоятимизда умумий ер майдони 693,0 гектар ҳамда 174 минг квадрат метрдан зиёд бино ва иншоотларга эга бўлган 89 та кичик саноат зоналари мавжуд. Шулардан 23 та ёки 169,9 гектар ер майдонида «Ёшлар» кичик саноат зоналари ташкил этилган ҳамда бугунги кунга қадар ёшларнинг 817 млрд. 653 млн. сўмлик 529 та лойиҳалари саралаб олинган. Лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида 10 823 та янги иш ўринлари яратилади.

Албатта мазкур ҳудудларни коммуникация-муҳандислик тармоқлари билан таъминлаш долзарб вазифадир. Тадбиркорликни йўлга қўйиш учун, аввало, йўл, электр энергия ва сув масаласида муаммо бўлмаслиги керак. Ҳозирда вилоятдаги кичик саноат зоналарининг 26 таси электр, 14 таси табиий газ ва 22 таси ичимлик суви билан тўлиқ таъминланди. Шу билан бирга, 32 таси вақтинчалик электр ва 13 таси вақтинчалик ичимлик сувидан фойдаланиб келяпти.

19 та кичик саноат зоналарига 26 та трансформатор ўрнатиш, 48,8 км электр тармоғи тортиш бўйича “Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятига буюртма юборилган. Ҳозирда 17 та кичик саноат зоналарида мазкур ишларни амалга ошириш мақсадида смета ҳужжатлари тайёрланиб, экспертиза ҳулосалари олинди. Шунингдек, табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш масаласида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳадемай йилнинг биринчи ярми ҳам якунланади. Ҳўш, бугунги кунда шаҳар ва туманлар кичик саноат зоналарида режалаштирилган ишларнинг ҳолати қандай?

Фарғона шаҳрида 4 та кичик саноат зонаси ташкил этилган бўлиб, умумий қиймати 940,2 млрд. сўм бўлган 66 та лойиҳа жойлаштирилган. Уларни амалга ошириш натижасида 3471 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган эди. Лекин 4 та лот бўйича лойиҳалар бекор қилинган, 11 та лотлар бўйича ҳеч қандай ишлар амалга оширилмаган. Лойиҳаларни бекор қилиш бўйича Маъмурий кенгашга таклифлар киритилган бўлиб, умумий қиймати 20,75 миллиард сўмлик лойиҳалар бажарилмаганлиги натижасида 132 та янги иш ўринлари яратилмаган.

Марғилон шаҳрида умумий 17,5 гектар ерга эга бўлган 4 та кичик саноат зонаси мавжуд. Шулардан 2 таси “Ёшлар” кичик саноат зоналаридир. 1-сектор ҳудудидаги “Ёшлар” кичик саноат зонасининг умумий ер майдони 4 гектарни ташкил этади. Маъмурий кенгаш қарорларига асосан умумий қиймати 67,9 млрд. сўм бўлган 22 та лойиҳа жойлаштирилган. 870 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган. Афсуски, ҳозирги кунга қадар лойиҳаларда қурилиш ишлари суст олиб борилмоқда. Бу эса янги иш ўринлари яратишнинг кечикишига сабаб бўляпти.

3-сектор ҳудудида жойлашган “Наврўз” КСЗда 26,8 млрд. сўм бўлган 25 та лойиҳа жойлаштирилган бўлиб, уларни амалга ошириш натижасида 433 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган. 2-лотларда қисман фаолият олиб борилляпти, лекин 2 та бўш турган лотга ҳозиргача лойиҳалар жалб қилинмаган. 1-лотда қурилиш ишлари тўхтаб қолган.

Фарғона туманидаги 5 та кичик саноат зонасида белгиланган ишлар талаб даражасида эмас. Сектор раҳбарлари бу борада аниқ тадбирларни кўрмаса, лойиҳалар амалга ошмаслиги мумкин. 1-сектор ҳудудида жойлашган “Миндонобод” КСЗнинг умумий ер майдони 4 гектар ва 40 000 квадрат метр — бино-иншоотлари мавжуд. Бу ерда 0,12 гектар ер майдони бўш турибди. 2 та лойиҳада қурилиш ишлари маблағ етмаслиги сабаб тўхтаб қолган, 8 тасида қурилиш ишлари бошланмаган. “Юқори арча” ёшлар кичик саноат зонасида 31 та лойиҳа жойлаштирилган. Бу ерда ҳам 2,30 гектар ер майдони бўш турибди. 5 тасида қурилиш ишлари бошланмаган. “Хонқиз” КСЗда 7 та лойиҳа бўйича қурилиш ишлари бошланмаган.

Албатта, бу каби камчиликлар бошқа шаҳар ва туманларда ҳам кузатилмоқда. Лойиҳа ташаббускорлари томонидан ишлар ўз вақтида бажарилмай, муҳандислик-коммуникация тармоқларида талай муаммолар ечимини кутмоқда. Мутасаддилар эса тадбиркорларни қийнаётган масалаларини ҳал этиши, уларга мададкор бўлиши лозим. Маъмурий кенгаш томонидан бугунга қадар қарийб кичик саноат зоналарига 500 га яқин лойиҳалар жойлаштирилди. Бу 11 мингдан ортик янги иш ўрни деганидир. Бу лойиҳалар вақтида ишга туширилса, кўплаб юртдошларимиз иш билан таъминланади, пировард мақсад эса ҳудудларнинг иқтисодийети янада мустаҳкамланади.

**М. МЎМИНОВ.**

**А**йни жараёнда вилоят миқёсида **100 минг 208 гектар** ерда такрорий экин экиш режалаштирилган бўлиб, натижада **300 минг нафар** ҳамюртимизга ер ажратиб берилади. Булар: **19 минг 267 нафар** “Темир дафтар”га киритилганларга **4 минг 817 гектар**; **20 минг 443 нафар** “Ёшлар дафтари” рўйхатидагиларга **4 минг 89 гектар**; **17 минг 68 нафар** “Аёллар дафтари”дагиларга **4 минг 268 гектар**. Шу тариқа вилоятда 132 мингдан зиёд расмий ишсизларга салкам 39 минг гектар ер майдони ажратиб берилмоқда.



Марғилон туманларо иқтисодий судига Қўштепа туман давлат солиқ инспекциясидан даъво ариза келиб тушди. Унда даъвогар тумандаги "Турдимат" фермер хўжалигига нисбатан 1.086.853.774 сўм молиявий жарима қўллашни сўраган. Ҳақли савол туғилади: хўш, мазкур жарима қандай асосга кўра ҳисобланган?

**К**ўштепа тумани давлат солиқ инспекциясининг даъво аризасида ёзилишича, боғдорчиликка ихтисослашган "Турдимат" фермер хўжалиги ва Россиянинг "Оддиссей групп" МЧЖ билан тузилган экспорт шартномаси бўйича 2020 йил 1 октябрь ҳолатига 349,299 АҚШ доллари миқдорида муддати ўтган дебиторлик қарздорлик вужудга келган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги "Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 283-сонли қарори билан тасдиқланган "Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 24-бандига асосан, экспорт контракти бўйича тушум тушиши ёки товарларни қайта олиб қириш муддати товарларга нисбатан — "экспорт" божхона режими бўйича божхона юк декларацияси расмийлаштирилган санадан ва хизматларга (ишларга) нисбатан — бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси имзоланган санадан бошлаб 180 кундан ошиб кетмаслиги керак.

Низомнинг 27-бандига мувофиқ эса чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар, 180 кунгача кечикканда — тушмаган валюта маблағлари ёки "эркин муомалага чиқариш (импорт)" божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 10 фоизига тенг миқдорда, 180 кундан 365 кунгача кечикканда — 20 фоизга тенг миқдорда қўшимча, 365 кундан ортик кечикканда — 70 фоизга тенг миқдорда қўшимча жарима тўлайдилар.

Қўштепа туман ДСИ ана шу низом талабларидан келиб чиқиб, жавобгарга нисбатан хорижий ҳамкор билан вужудга келган дебитор қарздорлигининг 10 ва 20 фоизи миқдорида, жами 1,086,853,774 сўм молиявий жарима қўллашни сўраган.

Маълумки, шу йилнинг 21 апрель куни Президентимизнинг тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш, уларни зарур молиявий ва инфратузилмавий ресурслар билан таъминлаш мақсадида "Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорда 2021 йил 1 май ҳолатига шакланган ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилиши ва дебитор қарздорлик вужудга келиш муддатлари 2021 йил 1 майдан бошлаб янгидан ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Ана шу асосга таянган суд Қўштепа туман ДСининг даъвосини рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Бу — масаланинг иқтисодий судда кўрилган ҳолати. Аммо муаммонинг асл илдизи бошқа ёқда эканлиги аниқ. Гап шундаки, 2019 йилнинг тўртинчи чорагида Қўштепа туман ҳокимининг собиқ биринчи ўринбосари Бахтиёр Таниқулов "Турдимат" фермер хўжалиги муҳрини олиб кетади-ю, маълум муддат ўтгандан сўнг қайтариб беради. Ушанда ҳоким ўринбосари ва ҳокимлик вакиллари фермернинг номидан экспорт шартномаларини имзолаб, муҳр босишган. Мақсад туманининг экспорт режасини бажариш бўлган. Аслида эса фермернинг имзоси чекилган шартномасидан фойдаланиб, экспортни бошқа тадбиркорлар амалга оширган. Хорижий ҳамкор экспорт қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ҳақини ўз вақтида тўламагач, фермер хўжалиги зиммасида 349,299,1 АҚШ доллари миқдоридаги муддати ўтган дебитор қарздорлик пайдо бўлган. Буни асос қилиб олган солиқчилар эса иқтисодий суддан хўжаликка молиявий жарима қўллашни сўрашган. Умуман олганда, шу тариқа тумандаги 16 та фермер хўжаликлари зиммасида 2,977,907 АҚШ доллари миқдорида ана шундай нореал қарздорлик юзага келган.

— Мен ҳеч қандай экспорт қилмаганман. Қўштепа туман ҳокимининг собиқ ўринбосари Бахтиёр Таниқулов мен сингари жуда кўп фермерларнинг муҳрини олиб кетиб, шундай иш қилган экан. Жабрдийда фермерлар Қўштепа туман прокуратурасига мурожаат қилдик, — дея судда кўрсатма берди фермер хўжалиги раҳбари М.Тожиматов.

Дарҳақиқат, тумандаги "Турдимат",

"Нуриддин Улуғ ери", "Қизилтепа" ва "Умарбек" каби фермер хўжаликлари-нинг мурожаатига асосан 2021 йилнинг 21 январь куни туман прокуратураси Жиноят кодексининг 228-моддаси 2-қисми "а,б" бандлари ва 228-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатган. Аммо... Бундай ҳолатлар фақатгина Қўштепада эмас, вилоятнинг бошқа туманларида ҳам содир этилган. 2019 йилнинг баҳор ойларида Тошлоқ тумани ҳокимлиги вакили Алижон Абдувоҳидов "Файзли юрт кўрки" фермер хўжалигига нисбатан ана шундай ноҳақлик қилган. 2020 йил 1 октябрь ҳолатига фермернинг гарданида 1,167,676 АҚШ доллари миқдорида дебитор қарздорлик вужудга келган. Қўштепалик ҳамкасблари сингари чаққонлик қилган Тошлоқ туман ДСИ масъуллари хўжаликка 3 миллиард 630 миллион 707 минг сўм миқдорида молиявий жарима қўллаш юзасидан судга даъво ариза киритган.

Суд жараёнида Тошлоқ туман ҳокимлиги масъулларининг қилмишлари фош бўлди. Шу боис, Марғилон туманларо иқтисодий суди "Файзли юрт кўрки" фермер хўжалиги номидан имзоланган экспорт шартномасининг қалбакилаштирилганлиги ҳолатига ҳуқуқий баҳо бериш юзасидан хусусий ажрим чиқариб, Тошлоқ туман прокуратурасига юборди. Натижада айни ҳолат бўйича тегишли жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: хўш, фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш ўрнига уларни миллиардлаб қарзга йўлиқтириш, сарсон саргардон қилишининг кимга кераги бор? Фарғона вилоятида нега экспортга оид ҳуқуқат топширигини бажаришда сохтакорлик қилинмоқда? Ёки бу экспорт қилишнинг "фарғонача" усулими?

**Алишер МАДАМИНОВ,**  
**Фарғона вилоят суди раисининг**  
**ўринбосари.**  
**Хуршид СУЛТОНОВ,**  
**журналист.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** "Фарғона ҳақиқати" газетасининг 2021 йил 9 февраль кунги сонидида "Қува тумани сектор раҳбарларидан қолган муаммоларни ким ҳал этади?!" сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинган. Мақолада худди Қўштепа ва Тошлоқда бўлгани каби Қува туманида ўнлаб фермер хўжаликлари номидан амалга оширилган сохта экспорт учун сарсон саргардон бўлаётган фермерлар дарди ёзилган эди. Афсуски, орадан шунча вақт ўтганига қарамай қувалик фермерларнинг муаммоси ҳал этилгани йўқ.

Аслида фермерлар номидан қилинган сохта экспорт муаммоси билан боғлиқ ҳолатлар вилоятимизнинг деярли барча туманларида учрайди. Ишонамизки, ушбу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан назоратга олинади ва муаммони ҳал этиш чоралари кўрилади.

Биз бу мавзуга яна қайтамиз.

## "ЎЗ УЙИМИЗГА ЭГА БЎЛДИК" дейди Учкўприк туманилик Гултожи СИДДИҚОВА

— Вояга етмаган 3 нафар фарзандим бор, — дейди Учкўприк тумани, "Учкўприк" МФЙда яшовчи Дилором Ўринова. — Турмуш ўртоғим машина таъмирлайдиган уста. Шахсий эҳтиёжларимга ҳадеб пул сўрашга ийманаман. Қанийди мен ҳам ишласам, дея қўшни келинларга ҳавас қилардим. Мени "Аёллар дафтари"га киритишганди. Бироз муддатдан сўнг, "Касб ўрганишни хоҳласангиз, бепул ўқитамиз" дея маҳалладан келишди. Ҳеч иккиланмасдан тиқувчилик машғулотларида фаол қатнашдим. Банкдан 8 млн. сўм кредит олиб, фаолиятимни бошладим. Ҳозир даромадимиз яхши.

**Т**уманда 2086 нафар хотин-қизлар "Аёллар дафтари"га киритилган. — Аёлларнинг турмуш шароитини яхшилаш учун қўлимиздан келган ёрдамни беряпмиз, — дейди туман ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулчеҳра Жўраева. — Шу кунга қадар биринчи тоифадаги ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз аёлларнинг 176 нафари доимий иш ўринларига жойлаштирилди, 175 нафарига имтиёзли кредитлар ажратилди. 138 нафарини касбга ўқитиш режалаштирилган. Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан 21 нафари қайта касбга ўқитилди, 117 нафарининг бандлиги таъминланди. Шунингдек, 42 нафар аёлларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди. Нотурар жойда истиқомат қилаётган 2 нафар аёлни уй-жой билан таъминлаш чоралари кўрилди, тиббий ёрдамга муҳтож 154 нафар аёлга манзилли ёрдам кўрсатилди.

Зигир тумандаги аҳоли зич жойлашган кўҳна қишлоқлардан. Айни кунда маҳаллада трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида 87 та тадбиркорлик субъектлари ишлаб турибди. Бу ерда "Аёллар дафтари"га киритилган 41 нафар аёл бандлиги таъминланди. Маҳалла аҳолиси меҳнаткаш, тадбиркор, томорқадан самарали фойдаланади. Айниқса, аёлларининг шижоати ҳавас қилгулик.

Ушбу қишлоқда яшовчи Гултожи Сиддиқова турмуш ўртоғи ва 3 нафар вояга етмаган фарзандлари билан уй топа олмай анча сарсон бўлишди.

— Инсон бошига ҳар хил кунлар тушаркан, 3 йилдан буён дала шийпониди яшаб келардик. Бир кун келиб, бу ердан ҳам чиқиб кетишга мажбур бўлсак, кейин қаерга борамиз, дея кўп ўйлардим. Хайриятки, туман ҳокимлиги ташаббуси билан шийпон турмуш ўртоғимнинг номига расмийлаштириб берилди. Энди бизнинг ҳам ўз уйимиз борлигидан бахтиёрмиз. Узимни эса 56-умумий ўрта таълим мактабига фаррошликка ишга қабул қилишди. Биздек аёлларнинг дардига малҳам бўлаётганлардан мамнунман.

**Шоҳсанам ЭШМАТОВА.**

# УЧИНЧИ РЕНЕССАНС – ХАЛҚИМИЗНИНГ БУЮК МАЪНАВИЯТИ ВА МАЪРИФАТИДА

## Вилоятимизда жорий йилнинг 14-16 июнь кунлари “Маънавият фестивали” бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 30 йиллиги олдидан республикамиз бўйлаб ўтказилаётган “Маънавият фестивали” Фарғонада катта тантана сифатида нишонланди. Барча туман-шаҳарларда фестивал доирасида «Янги Ўзбекистон – янги Ренессанс сари!», «Маърифат улашиб», «Янги Уйғониш даври китоб ва кутубхоналардан бошланади», «Менинг фарзандим – Ўзбекистон фахри», «Фаол фуқаро», «Маърифат тур», «Мақом кечалари», “Бахтли болалик” сингари 20 га яқин йўналишда маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

**М**иллийлик ва замонавийлик муҳим бўлган «Маънавият фестивали»да Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минхожиддин Ҳожиматов, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти раиси Бахтиёр Ҳусанов бошчилигидаги фан, таълим, маданият арбоблари, таниқли санъаткор, шоир ва ёзувчилар юртдошларимиз билан учрашдилар. Самимий мулоқотларда она Ватанимизнинг бугунги иқболи, буюк истиқбол кўзланган мақсад ва вазифалар моҳияти акс этди, концерт дастури, мушоиралар фарғоналикларнинг шижоати, жўшқин кайфиятига ҳамоҳанг келди.

### ҲАР ЛОЙИХАНИНГ ЎЗ МАҚСАДИ БОР

Туман-шаҳарлардаги кинотеатр ва маданият уйларида «Маҳмудхўжа Бехбудий», «Исҳоқхон Ибрат», «Ота уй», «Элпарвар», «Берлин – Оққўрғон», «Иссиқ нон», «Ришта» каби кинофильмлар намойиш этилди.

Фарғона давлат университетида «Фаол фуқаро» дебат клуби семинар-тренинги ўтказилди.

— Мазкур семинар-тренинг ёш авлодни мукамал ва мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позицияга эга бўлган инсон сифатида тарбиялаш, уларда мантикий фикрлаш ва мунозара олиб бориш қобилиятини ривожлантириш, ватанпарварлик ва фаол фуқаролик позицияси, ўртага қўйилган муаммога ҳолис ёндаша олиш, фикрларини асослаш ва аниқ баён қилиш маҳоратини шакллантиришга қаратилган, — дейди Фарғона давлат университети доценти, фалсафа фанлари номзоди Зилола Собирова. — 20 нафарга яқин профессор-ўқитувчилар, 200 нафардан зиёд ёшлар иштирок этган тадбирда “Фаол фуқаро қандай бўлиши керак?” деган савол юзасидан баҳс-мунозара олиб борилди.

Худудларда «маҳаллабай» тарзда тарбияси оғир, уюшмаган, маънавий кўмакка муҳтож ёшларни қамраб олган ҳолда «Бир нуруний – беш нафар ёшга мураббий», маҳаллаларда соғлом ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ва ёшларга кўмаклашиш мақсадида «Бир зиёли – бир маҳаллага маънавий ҳомий» тамойили асосидаги давра суҳбатлари олиб борилди.

### МАҚОМ: СЎЗ ВА ОҲАНГ ЖОЗИБАСИ

**Қўқон шаҳрида** ташкил этилган «Мақом кечаси» концерт дастури маданият ва санъатимизга эҳтиром тадбири сифатида минглаб иштирокчиларга манзур бўлди.

У ўзбек миллий мақом санъатини кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбига миллий мумтоз санъатимизга ҳурмат туйғуларини камол топтиришда муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз ташаббуси билан ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати фестивали ўтказилаётгани ҳам бунинг исботидир.

Фурқат боғида ташкил этилган кечада Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Фарғона минтақавий филиали ўқитувчи ва талабалардан иборат «Янги Ўзбекистоннинг ёшлар ансамбли» томонидан мумтоз куй-қўшиқлар янгради. Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Муножат

Йўлчиева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин Азизбоевлар томонидан ижро этилган дилбар тароналар сўз ва оҳанг жозибаси билан барчани мафтун этди.

### Муножат ЙЎЛЧИЕВА, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти:

— Фарғоналикларда миллий мумтоз адабиётимиз ва мақом санъатимизга бениҳоя юксак муҳаббат бор. Бугунги мақом кечаси ҳам бунинг яққол кўрсатди, иқтидорли ёшлар, ҳаваскорлар, ҳатто, аҳоли вакиллари ҳам дурдона қўшиқларни берилиб ижро этишяпти. Адабиётга, санъатга меҳри баланд Фарғона халқи менга катта илҳом берди.

### КИТОБ — МАЪРИФАТ УЛАШУВЧИ НУР

**Бувайда туманидаги** “Мега-парк” боғида “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик” шиори остида маданий, маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. “Маърифат улашиб” акцияси, китоб кўргазмаси бувайдаликларни ўзига чорлади.

Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, сенатор Минхожиддин Ҳожиматов, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Муножат Йўлчиева, таниқли санъаткорлар Рихси Алиев, Барно Қодирова, Ғулом Эгамназаров, профессор Феруза Мухиддинова, шоир Бобур Бобомурод иштирокида самимий мулоқот ва байрам дастури ёрқин, ёдда қоларли лаҳзаларга бой ўтди. Ўзбек ва жаҳон адабиётининг нодир намуналари, янги нашр этилган китоблар кўргазмаси ва уларнинг арзонлаштирилган савдоси барчага мақбул бўлди. Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан янги номдаги китоблар тўплами юртдошларимизга улашилди.

**Риштон тумани** истироҳат боғида ўтказилган фестиваль ҳам ундан ортик лойиҳаларни қамраб олди. “Янги Уйғониш даври китоб ва кутубхоналардан бошланади” шиори остидаги китоб кўргазмаси, айниқса, эътиборга молик. Шу кунги китобхонлик викториналарида ғолиб бўлган 10 нафар ёш китобхон китоб жамланмаси билан тақдирланди. “Ҳар бир нуруний — беш нафар ёшга мураббий” учрашуви, “Менинг фарзандим — Ўзбекистон фахри”, “Ватан тараққиётига менинг ҳиссам” лойиҳаларида 300 нафардан зиёд аҳоли вакиллари иштирок этишди.

**Ёзёвон тумани** “Қорасоқол” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Қорисоқий ота” зиёратгоҳида ташкил этилган фестиваль тадбирлари юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик, халқимиз фаровонлигига шукроналикни ифода этди. Давлатимиз рамзлари борасидаги билимларни синовдан ўтказувчи викториналар ўтказилиб, ғолиблар тақдирланди. Кўнгилочар концерт дастури эса юракларга мустақиллик нашидасини олиб кирди.

**Жамила ШЕРМУҲАММЕДОВА,**  
профессор, халқаро спикер:  
— Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Агар



жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Маънавият бор жойда миллат ва халқ юксалади, тараққиёти барқарорлашади. Бугун республикамиз бўйлаб ўтказилаётган “Маънавият фестивали” ана шу эзгу тушунча моҳиятини халқимиз ва ёшларимизга етказишга хизмат қилмоқда.

**Тошлоқ тумани** Ёшлар марказида “Янги Ўзбекистон — янги Ренессанс сари” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда фалсафа фанлари доктори, профессор Жамила Шермуҳаммедова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шоҳида Исмоилова, Фарғона давлат университети бир гуруҳ ўқитувчилари мавзу юзасидан маъруза қилишди. Мулоқотда иштирок этган ҳудуддаги барча маҳалла фуқаролар йиғинлари масъуллари, умумтаълим мактабларнинг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Бешариқ тумани** “Шодлик” маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган “Бир зиёли — бир маҳаллага маънавий ҳомий” давра суҳбатида зиёлиларнинг ҳар бир маҳаллага маънавий кўмакчи сифатида бириктирилиши яхши самара бераётгани таъкидланди, мазкур йўналишда сидқидилдан фаолият олиб бораётган бир гуруҳ олимлар тақдирланди.

“Шонли тарихдан буюк келажак сари” шиори остида ижодий ишлар кўрик-танлови, маданият ва спорт кўргазмаси, шунингдек, худуддаги 18-болалар мусиқа ва санъат мактаби иқтидорли ўқувчилари, 3-умумтаълим мактабининг “Турон” ҳарбий-спорт ўйинлари жамоасининг чиқишлари йиғилганлар олқишига сазовор бўлди.

**Марғилон шаҳридаги** “Ижодкорлар боғи”да “Менинг фарзандим — Ўзбекистон фахри!” номли маънавий-маърифий

тадбирда худуддаги истеъдодли ёшлар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Шаҳарнинг 8-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби, спорт мактаби, шунингдек, 5-мактабга таълим ташкилотининг тарбияланувчилари иштирокидаги маданий дастур барчага ёшлик, жўшқинлик кайфиятини улашди.

Бадий ижод, маданият ва спорт, ҳунармандчилик, тасвирий санъат, мусиқа йўналишларида халқаро ва республика танловлари совриндорлари, чемпионлар, шунингдек, мuddатидан илгари хорижий олий таълим муассасаларига ўқишга кирган, фан олимпиадалари ғолиблари бўлган Марғилон фарзандлари ва уларнинг ота-оналари муносиб тақдирланди.

— Қизим Розияхон Комилжонова Эркин Воҳидов номидаги Ижод мактаби битирувчиси, санъат ва ижод йўналишида бир неча халқаро фестиваль ва кўрик-танловлар лауреати, — дейди Шаҳноза Комилжонова. — Бугун иқтидорли қизнинг онаси сифатида рағбатлантирилганимдан беҳад шодман.

Фестиваль доирасида корхона, ташкилот ва муассасаларда “Маърифат соатлари”, Фарғона тумани, “Чинортаги” истироҳат боғида “Қадриятлар улғунган юрт”, Қўқон давлат педагогика институтида “Тил бор экан, миллат барҳаёт”, Қўқон шаҳридаги Худодёрхон ўрдаси, “Буюк алломалар музейи” ва “Хунармандлар маркази”га саёҳатни ўз ичига олган “Маърифат тур” лойиҳалари фарғоналиклар қалбига унутилмас лаҳзаларни тухфа этди.

Ислом Каримов номидаги вилоят Театр-концерт саройининг ёзги амфитеатрида бўлиб ўтган “Мақом кечаси” маънавият ва маърифат тантанаси файзини тўла намоён этди.

Дилназов  
Қўлдошева.



## ФАРФОНА ТУРИЗМИ

РИШТОН ЗИЁРАТГОҲЛАРИ  
САЙЁҲЛАРНИ ЖАЛЬ ЭТМОҚДА

**К**ейинги вақтда улуг авлиёлар қабрига, муқаддас қадамжоларга ҳуқуқатимиз, халқимиз томонидан ўзгача эътибор қаратилмоқда. Ёш авлодни комил инсон этиб тарбия-

лашда, аждодларимизнинг эзгу ишларидан фахрланиш ҳиссини шакллантиришда зиёратгоҳларнинг ўрни бекиёс. Улуғ-авлиёлар қабрини зиёрат қилишда уларнинг ибратли ҳаётларини ўрганиш муҳим бўлса, меъморий ва тарихий обидаларни авайлаб-асраш, уларнинг дунё тамаддунидаги



ўрнига эътибор қаратиш, шу билан бирга, мамлакатимизда туризмни ривожлантириш борасидаги аҳамиятини ҳам эътироф этиш зарур. Риштон номини Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муқимий каби адибу алломалар ўз асарларида тилга олган. Бурҳониддин Марғинович, Мирзаабдулла Бокий сингари илм аҳллари, кўплаб фан арбоблари, таниқли шахсларга

бешик бўлган. Бугун туманда улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда, янги корхоналар иш бошлаган, замонавий бино-иншоотлар қад ростлаган. – Вилоятимизда 139 та архитектура, 117 та архео-



логия, 32 та монументал, 88 та муқаддас қадамжолар, диққатга сазовор зиёратгоҳлар мавжуд. Риштондаги “Соҳиби Ҳидоя”, “Хўжа Рушноий”, “Хўжа Илғор” ва “Мулла Исмадуллоҳ қори”, “Игитпирим” зиёратгоҳлари доимий эътиборимизда, – дейди вилоят маданий мерос бошқармаси бошлиғи Алишер Хусанов. – Бугунги кунда бу масканларда таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Кадастр ҳужжатлари тайёрланган, чегаралари аниқланган ва асраб-авайлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Маълумотларга кўра, ҳар йили “Хўжа Рушноий” зиёратгоҳига ўртача 120 минг, “Хўжа Илғор”га 100 минг, “Мулла Исмадуллоҳ қори”га 25 минг, “Соҳиби Ҳидоя” зиёратгоҳига 50 минг нафар зиёратчилар ташриф буюришади. Хусусан, ислом мамлакатларидан келувчи сайёҳлар ва зиёратчилар сафи йил сайин ортиб бормоқда.

## “Хўжа Рушноий”

**Б**у йил битказилиб, ишга туширилган “Халқаро кулолчилик маркази” қурилиши жараёнида унинг шундоқ биқинида жойлашган “Хўжа Рушноий” зиёратгоҳи ҳам реставрация қилиниб, ободонлаштирилди. Илгари фақат риштонлик зиёратчилар келиб-кетадиган масканга бугун хорижлик сайёҳлар ташрифи сезиларли даражада ошган. Худуднинг ободлиги, қийғос очилган турфа гуллар кўнгилларни хушнуд қилади. – Хўжа Рушноий ёруғлик, рўшнолик, хайрли амаллар тимсоли сифатида қадимдан қадрланиб келинган, – дейди туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг ўринбосари Турсунхўжа Абдурахмонов. – Бу номдаги мақбаралар Афғонистоннинг Кобул, Тожикистоннинг Хўжанд шаҳарларида, Самарқанддаги Чокардиза қабристониди ҳам мавжуд. Кимки ихлос билан бу зиёратгоҳга келса, омади юришади, қалбига ёруғлик қиради, дейишади.

## “Соҳиби Ҳидоя”

**И**сломи оламнинг буюк алломаси Бурҳониддин Марғинович Риштонда таваллуд топгани ҳақида “Бобурнома”да таъкидланган. Бинобарин, аллома таваллудининг 910 йиллиги нишонланган 2000 йилда Риштондаги мақбара ҳам таъмирланган эди. Ўтган вақт ичида мақбара таъмирга муҳтож бўлиб қолди. Ҳуқуқатимиз эътибори билан, “Соҳиби Ҳидоя”ни таъмирлаш, худудни кўкаламзорлаштириш, қўшимча бинолар, хусусан, таҳоратхона, намозхона қуриш ишлари бошлаб юборилган. Наққошу рассомлар, бўёқчилар таъмирлаш ишлари билан банд. Мақбара куббасини ўзига хос нақш билан беаътган усталарнинг айтишича, сифатли бўёқлар келтирилган. Уста бўёқчи Бахтиёр Аҳмаджонов Самарқанд, Бухоро, Қарши шаҳарларидаги меъморий обидаларни таъмирлаш ишларида ҳам қатнашган. – Бир ойдан сўнг таъмирлаш ишларини битказамиз, – дейди у. – “Соҳиби Ҳидоя” янада чирой очишига ҳисса қўшаётганимдан хурсандман. Бухородаги Минораи Калонда ишлатилган бўёқлардан фойдаланяпмиз. Иссиқ-совуқда ҳам, намгарчиликда ҳам ўз хусусиятини йўқотмайди.

## “Хўжа Илғор” ва “Мулла Исмадуллоҳ қори” зиёратгоҳлари

**Х**ўжа Илғор” зиёратгоҳини ўзига хос меъморчилик ансамбли дейиш мумкин. Тадқиқотчиларнинг фикрича, XIX асрда шу ерлик таниқли шахс – Хўжа Илғор шарофига қурилган. Мажмуада масжид, мақбара, чиллахона, ғор сақланиб қолган. Масжидда сўнгги марта 2000 йилда таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Унинг пештоқлари, устун ва том қисмларидаги Фарғона услубига хос нақшлар кишини ўзига жалб қилади. Маскан давлат муҳофазасига олинган. “Хўжа Илғор” ва унга ёндаш “Мулла Исмадуллоҳ қори” мақбараси, чуқурлиги 3-4 метрлик ғор, қачонлардир талабалар учун бошпана вазифасини ўтаган хужралар ва чиллахона сайёҳлар эътиборини қозонган. Юз йиллик тут дарахти эса худудга салқин ҳаво, табиий орасталлик бахш этиб туради. – Отам раҳматли Мир Араб мадрасасида таҳсил олган. 1964 йил эди, вафот этишидан бир йил олдин мени етаклаб, шу ердаги ғорга олиб келди. Ғор ичига тушиб, тиловат қилди. “Бу хосиятли жой, қўлингдан келса, обод қилин”, деди. У замонларда диний уламолар таъқиб остида бўлган, – дея ҳикоя қилади Исмадуллоҳ қорининг ўғли Мирзоаҳмад Исматов. – Юртимиз истиқлолга эришгач, отамнинг васиятини адо этиш имкони туғилди. 2014 йили самарқандлик моҳир усталарни жалб қилдик ва шу йили декабрда мақбаранинг очилиш маросими ўтказилди. Бугун шу худуддаги Зарариқ маҳалласи одамлари меҳнатдан қадр топган, деҳқончилик ва ҳунар ордан том маънода “олтин”га эга чиқишган. Оилаларда бирор яхши воқеа рўй бериши билан шу зиёратгоҳга келиб, хайр-эхсон қиладилар, азиз-авлиёлар руҳига Куръон тиловат қилишга одатланишган.

## Муаммолар, ечимлар...

**Б**аъзи муаммолар ҳануз ҳал этилмаётган, – дейди “Мулла Исмадуллоҳ қори” зиёратгоҳи мутасаддиси Ҳомиджон Жалолов. – Масжид-ку ёнма-ён, лекин чет эллик зиёратчилар бемалол келиб-кейтишлари учун кенг йўл, ювиниш ва покланиш жойлари, сайёҳлар талабига монанд ошхона жуда зарур. Бу ҳақда масъуллардан сўраб-суриштирдик. Маълум бўлишича, Президентимизнинг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосан, “Хўжа Илғор” ва “Мулла Исмадуллоҳ қори” зиёратгоҳида реставрация ва қайта тиклаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган. Шунингдек, Президентимизнинг 2021 йил 2 апрелдаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди белгиланган вазифа-

ларни амалга ошириш мақсадида, масъул вазирлик ва идоралар томонидан мазкур зиёратгоҳ тўлиқ ўрганилиб чиқилган. Айтиш керакки, бу худудда зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича қилиниши зарур ишлар бисёр. Мисол учун, йўл инфратузилмаси, турли кўринишдаги маълумотлар базаси, дам олиш, овқатланиш ва ювиниш хоналари, тарихий жараённи гавдалантирувчи қадимий суратлар мажмуаси ташкил қилиш каби вазифалар ўз ечимини кутмоқда. Шу ўринда туманда яна кўплаб қадамжолар ва зиёратгоҳлар мавжудлигини эсга олиш керак: таниқли шоир, таржимон ва хаттот Муҳаййир мақбараси (Оқер қишлоғида), “Хўжа Абдуллаи Ансорий” (Тўда қишлоғида), “Сўфи Содиқ” (Алишер Навоий маҳалласида), “Тутмозор” (Пандигон қишлоғида), шунингдек, “Оқмозор”, “Мурод бува” сингари объектлар тадқиқотчилар ва олимлар томонидан ўрганилиши, ободонлаштирилиши зарур.

## Туризм ва зиёрат одоби

**Х**ар бир мамлакат иқтисодиёти ривожидида туризмнинг ўрни бекиёс. – Вилоятимизда ички ва ташқи туризм кун сайин ривожланиб бормоқда. Туроператорлар томонидан ташкил этиладиган сайёҳлик маршрутларининг ҳеч бири Риштонсиз ўтмайди, – дейди вилоят туризмни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси матбуот котиби Баҳодиржон Ҳошимов. – Кейинги пайтда зиёрат туризми ҳам оммалашмоқда. Вилоятимиз, хусусан, Риштондаги муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларга қизиқиш катта. Шу боис, бу объектлар ҳақидаги тарқатма материаллар, кўрсатув ва видеороликлар тайёрлаб, интернет сайтлари ҳамда телеканалларда намойиш этиб бориляпти. Шунингдек, “Риштон бренди” сифатида турли сувенир ва эсдалик маҳсулотлари тўпламини яратиш ҳаракатидамиз. Индонезия, Франция, Исроил телевидениелари ходимлари Риштон кулолчилиги ва зиёрат объектлари ҳақида кўрсатув тайёрлаш мақсадида туманга келиб, материал йиғиб кетишди. Сўнгги вақтда юртимизда ички туризмни ривожлантиришга катта эътибор берилётгани, вилоятлараро темир йўл ва авиақатновларнинг йўлга қўйилаётгани эътиборга молик. Лекин... – Баъзан зиёратчиларнинг тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлардаги хатти-ҳаракатларидан хафа бўлиб кетасан, – дейди вилоят маданий мерос бошқармаси бошлиғи Алишер Хусанов. – Ташриф буюрувчиларнинг бу масканларда фақат суратга тушиш учун келиши эмас, ҳар бир объектнинг тарихий аҳамияти, улуг шахслар фаолиятдан ўрнак олиши, батафсил ўрганиши кўпроқ аҳамиятли, аслида. Дунё тажрибасидан келиб чиқиб, меъморий обидалар, осори атиқалар, мақбараларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, худудни ифлослантirmаслик бош мезон бўлиши керак. Чунки ҳар бир тарихий объектнинг келгуси авлодлар учун қиммати кун сайин ортиб боради. Шу ўринда “Хизр бува” ёки “Барака мазор” номи билан машҳур маскан ҳақида икки оғиз: “Вақф” хайрия жамоат фонди тасарруфига ўтказилган мазкур зиёратгоҳда ўзига хос ечим топилган. Талаб ва истаклар ўрганилгач, бу ерда кулолчилик маҳсулотлари ярмаркаси, савдо дўконлари мажмуаси ташкил этилган. Натижада кўплаб иш ўринлари, ҳунармандлар ва тадбиркорлар учун қулай шароит яратилди. Зиёратгоҳлар, қадамжолар, тарихий-меъморий обидалар халқимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қилади, шунингдек, бу жойларда туризмни ривожлантириш учун имкониятлар мавжуд.

Мавзуга  
**ҚАЙТИБ**

# КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАС МАСАЛА

ёки мактаб ҳожатхоналарининг  
абгор ҳолати ҳақида

**Мамлакатимизда таълим тизимини сифат жиҳатидан янгилаш, малакали ва замонавий билимга эга кадрларни тайёрлаш, халқ таълими соҳасига ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш каби йўналишларда бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бу ислохотлар самараси ўлароқ, кейинги йилларда вилоятимиздаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари томонидан турли халқаро танловлар, фан олимпиадаларида фахрли ўринлар забт этилмоқда, илғор таълим тизимига эга хорижий давлатлардан ташриф буюрган экспертлар соҳага юқори баҳо беришмоқда. Лекин...**

**В**илоятимиз умумтаълим мактабларида бино-иншоотлар, синф хоналари ва ўқув жиҳозлари ҳозирги замон талаби даражасидами? Модомики, бугунги кун ўқитувчисидан замонавий билим бериш, жаҳонга бўйлашиш талаб этилаётган экан, уларга яратилган шароитлар қай даражада?

Бу муқаддас даргоҳга қанча эътибор қаратсак, муаллиму ўқувчилар учун қанча шароит яратсак кам. Зеро, ҳукуматимиз томонидан бу масалага алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Бироқ барча таълим муассасаларида ҳам аҳвол талаб даражасида эмаслиги бор гап. Тизимга мамлакат миқёсида катта миқдорда маблағ ажратилаётган бир вақтда айрим мактабларнинг ёрдамга муҳтожлиги, хусусан, мактаб биналари, ҳожатхоналар абгорлиги кишини ўйлантириб қўяди.

Газетамизнинг шу йил 8 январь сонида Қувасой шаҳрида баъзи мактаблардаги ҳожатхоналарнинг аҳволи ҳақида мақо-

ла чоп этилган эди. Хусусан, 9 ва 27-мактаблар танқид остига олинган. Мактаблар мутасаддилари билан боғландик, қурилиш ишлари бошлангани, янги ўқув йилига тайёр бўлишини айтишди.

Фарғона тумани, Чимён қишлоғидаги 14-мактаб 1975 йили қурилган. 1100 нафар ўқувчи ўқийди. Охирги марта 2005 йили жорий таъмирдан чиқарилган. PISA дастурини ўрганиш бўйича таянч мактаб саналади. Лекин ҳожатхона таъмирталаб аҳволда, эшиклар қийшайган, кўл ювиш жойи йўқ...

Тумандаги "Янги боғ" МФЙда жойлашган 27-мактабда спорт зали, ошхона, лаборатория хоналари йўқлигини қандай баҳолаш мумкин? Ичимлик сув тармоғи ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Мактабга кирверишда "ярқ" этиб кўринадиган ҳожатхонанинг аҳволи эса хароб.

Фарғона шаҳридаги 30-мактабда 1700 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Юздан ошиқ педагог меҳнат қиладиган таълим даргоҳида мақтагулик натижаларга эришилган. Мисол



учун, бу йил мактаб ўқувчилари – Муслима Абдурахимова, Раҳмонберди Ҳакимовлар синхрон сузиш ҳамда спорт гимнастикаси бўйича республика чемпиони бўлишди ва мuddатидан аввал талабалар сафидан жой олишди.

– Муаммоларни бартараф қилишга уринамиз, лекин баъзилари учун маблағ, кўмак керак, – дейди 43 йилдан буён шу ерда меҳнат қиладиган директор Сарбарой Маҳмудова.

Мактаб ҳожатхонаси, чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани биноси ачинарли аҳволда. Директор опа "гап эшитиб қолиши, тез фурсатда бартараф этиши"ни айтса-да, суратга олдик.

Фарғона шаҳар, "Хўжамағиз" МФЙда жойлашган 18-мактабда ҳам ҳавас қилгулик ҳолатга дуч келмадик. Ҳашар йўли билан таъмирлаш-бўйаш ишлари бажарилганини айтмасам, қурилганидан буён капитал таъмирланмаган. Директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Шоҳиста Ибрагимованинг айтишича, юқори ташкилотларга кўп бора мурожаат қилишганига қарамай, ечимини кутаётган муаммолар талайгина.

Дарвозадан кирверишга "жойлашиб олган" мактаб ҳожатхонасига беихтиёр назар ташлаймиз. Гарчи тозалаб-супуриб қўйилган бўлса-да, тор ва димик, замон талабига жавоб бермайди, ювениш мосламала-

ри йўқ.

– Канализация тармоғи шундоқ ёнимиздан, йўлнинг нариги тарафидан ўтган, – дейди директор ўринбосари Ш.Ибрагимова. – Шу тармоққа уланиш кўп муаммоларга ечим бўларди. Мактабда тадбирлар ўтказиш учун зал ҳам йўқ. Қишлоғимиздаги тадбиркорлар қўлларидан келганича ёрдам бериб келишарди. Ана шундай ҳомийлар мадади билан мактаб ҳудудининг бир қисми девор билан ўралди. Спорт зали ва баъзи синфхоналарнинг дераза-ромлари эски, ёрилиб-чатнаб кетган, алмаштириш зарур.

Ҳожатхона ва маиший биналар муаммоси вилоятимизнинг аксарият мактабларида мавжуд. Йиллар давомида тўпланиб қолган бошқа масалалар ҳам ўз ечимини кутмоқда.



**– Вилоятимиздаги 971 та мактабнинг ярмидан кўпи – 522 тасида ҳожатхоналарни**

**таъмирлаш ва реконструкция қилиш (шундан 90 тасини янгидан қуриш) зарурлиги аниқланди,** – дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари Рус-

тамжон Холиқназаров. – Ана шу таъмирталаб мактаб ҳожатхоналарига турли ташкилот ва корхоналар ҳомий сифатида

бириктирилиб, бугунги кунга қадар 23 тасида қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланди. Таъмирлаш ишларида шу мактабларни биттириб чиққан ва тадбиркорлик билан шўғулланётган фуқароларни кенг жалб қилиш, шунингдек, синфдошлар ҳаракатини фаол йўлга қўйиш режалаштирилди.

Таъкидлаш керакки, амалга оширилаётган ишлар вилоят ҳокимлиги назоратида бўлиб, мунтазам равишда муҳокама этиб борилмоқда. Бошқарманинг шаҳар, туманларга бириктирилган вакиллари томонидан кунлик мониторинг олиб борилиб, қурилиш-таъмирлаш ишлари жадаллаштирилмоқда.

Келажак – ёшлар кўлида. Зеро, бугун ёш, навнихол ўғил-қизларимизга берилаётган ҳар бир имконият, кичик эътибор ҳам уларнинг юксак марраларни забт этишига, жаҳон миқёсида ўз сўзини баралла айтишига омил бўлади. Шундай экан, келажак эгалари бўлган ёшлар тақдирига бефарқ бўлмасдан, уларнинг муносиб таълим-тарбия олишларига замин яратиш, хусусан, ҳожатхоналарни талаб даражасида қуриб-таъмирлаш ва жиҳозлаш кечиктириб бўлмас долзарб вазифа эканлигини унутмаслигимиз керак.

**Ҳаётжон БОЙБОБОВЕВ.  
Суратларни  
Элёр ОЛИМОВ олган.**

Фарғона шаҳар касб-хунарга ўқитиш маркази (собиқ Фарғона саноат касб-хунаро коллежи)ни 2002 йилда тамомлаган Ғозиева Феруза Артиқалиевна номига берилган К 025088 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олтиариқ тумани 1-ўрта таълим мактабини 2018-2019 ўқув йилида тамомлаган Равшанбеков Жамшидбек Равшанбек ўғли номига берилган O'RSN 023956 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Марғилон шаҳар, Янги аср кўчаси, 18-а" уйда жойлашган "Turon best flour" масъулияти чекланган жамияти номига берилган думалоқ муҳр ҳамда тўртбурчак тамга йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона саноат ва хизмат кўрсатиш техникуми (собиқ Фарғона саноат ва хизмат кўрсатиш коллежи)ни 2017 йилда тамомлаган Косимов Насибилло Равшанбек ўғли номига берилган К 4811685 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Марғилон шаҳар, Юлдуз кўчаси, 27-уй, 42-хонадонда жойлашган "Fayz shams invest" масъулияти чекланган жамияти номига берилган думалоқ муҳр ҳамда тўртбурчак тамга йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона касб-хунаро мактаби (собиқ Фарғона компьютер технологиялари касб-хунаро коллежи)ни 2007 йилда тамомлаган Ахмадалиева Эҳтиётхон Азимжоновна номига берилган К 364745 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона касб-хунаро мактаби (собиқ Фарғона компьютер технологиялари касб-хунаро коллежи)ни 2017 йилда тамомлаган Собиров Достонбек Дилшоджон ўғли номига берилган К 4773836 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона шаҳар 27-ўрта таълим мактабини 2019-2020 ўқув йилида тамомлаган Қодирова Наргизахон Иминжон кизи номига берилган ТМ 0935438 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона касб-хунаро мактаби (собиқ Фарғона шаҳар маиший хизмат ва педагогика коллежи)ни 2009 йилда тамомлаган Сўпиёва Мавжудахон Ибодуллоевна номига берилган К 1362648 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона юридик техникуми (собиқ Фарғона юридик коллежи)ни 2020 йилда тамомлаган Солиев Лазизжон Бахтиёржон ўғли номига берилган К 5931541 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олтиариқ туман 2-сонли касб-хунаро мактаби (собиқ Олтиариқ маиший хизмат касб-хунаро коллежи)ни 2020 йилда тамомлаган Ғуломов Хабибулло Раҳимжон ўғли номига берилган К 5931095 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона тумани, Лоғон қишлоғи, "Машъал" МФЙ ҳудудида жойлашган "Ваходир Mirzamatud biznes" хусусий корхонаси номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**  
**МЧЖ "UZSUNGWOO" ҚЎШМА КОРХОНАСИ**  
автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш биноси қуриш учун (xarid.uzautocomponents.uz сайтида) қурилиш ташкилотларига  
**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Тендерда иштирок этиш учун аризалар Фарғона шаҳар, Аэропорт кўчаси, 68-уйда жойлашган манзилда — МЧЖ "Uzsungwoo" қўшма корхонасида 2021 йил 22 июнь кунигача қабул қилинади.

**"ТОШЛОҚ ПАХТА ТОЗАЛАШ" АЖНИНГ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2021 йил 28 июнь куни соат 14:00 да жамиятнинг маъмурий биноси мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилишда иштирок этувчи акциядорлар ўзлари билан шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт) ҳамда акция сертификатларини олиб келишлари сўралади.

**Мурожаат учун телефонлар: 95 404-17-91, 90 408-99-89.**

Қирғули электротехника касб-хунаро коллежи (собиқ Фарғона шаҳар 13-СПТУ)ни 1992 йилда тамомлаган Иванов Сергей Геннадиевич номига берилган 090202 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона шаҳар 22-ўрта умумтаълим мактабини 2015 йилида тамомлаган Каримов Андрей Михайлович номига берилган UN 7124951 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## Хушхабар

Тўрт эгизак  
дунёга  
келди

Фарғона шаҳрининг "Хўжамағиз" МФЙда яшовчи Одиловлар оиласида бирданига 4 нафар чақалоқ дунёга келди.

Бу оилада 2016 ва 2018 йилларда ҳам қиз фарзандлар туғилган. Эндиликда Ғанижон ва Мунаввархон Одиловлар оиласида 6 нафар фарзанд тарбияланмоқда. — Яхши ният билан тўрт нафар эгизак фарзандларимизга Тўлқинбой, Абдукарим, Абдуҳаким ва Зилола исмларини қўйдик, — дейди бахтли оила соҳибиди. — Келажақда болаларимизни элу юрт корига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қиламиз.

Ўз мухбиримиз.

## Ўқидингизми?

ҲАЁТ БИЛАН  
ҲАМНАФАС

80 йилдирки, "Данғара" газетаси туман ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётини ёритиб келмоқда.


Бугунги кунгача унинг 7558 та сони чоп этилди. Давр билан ҳамнафас газета туман кўзгусига айланган. Унинг саҳифаларида соҳалардаги ислохотлар кенг ёритилмоқда, қўлга киритилаётган ютуқлар эътироф этилиб, камчилик ва муаммолар танқид остига олинмоқда.

Нашр этилган махсус сон газета тарихига бағишланган.

КОРХОНА РИВОЖ  
ТОПМОҚДА

"Мар Таш спецдежда" МЧЖ дастлаб 30 нафар тикувчи билан иш бошлаган эди. Бугун ишчилари сони 80 нафарга етди.

Корхона энг замонавий тикув машиналари билан жиҳозланган. Ишчиларга қулай меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилган. Ойлик маошлари кафолатланган. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хорижга экспорт қилинмоқда. Корхонанинг йилдан-йилга ривож топаётгани ҳақида ёзади "Тошлоқ тонги" газетаси.

ЁШ ИҚТИДОР  
ЭГАЛАРИ  
ҒОЛИБЛАР САФИДА

Яқинда Беларусь давлатида бўлиб ўтган "Золотая пчёлка" номли халқаро болалар ижодиёт фестивалида дунёнинг ўндан ортиқ давлатларидан 400 нафар санъатга ошувта ёшлар иштирок этди.

Мақзур анъанавий фестивалда тумандаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари Қувончбек Зокиржонов "Анъанавий хонандалик", Абдулазиз Ғуломов "Тасвирий санъат" йўналиши бўйича фахрли ўринларни эгаллашгани "Қува ҳаёти" газетасида ёзилган.

Рустам ОРИПОВ.

## ҲАҚИҚИЙ ИШҚ

Сейж РОМАНО

**Х**ушрўй, хушбичим аёл пиёдалар йўлакчасидан аста-аста қадам ташлаб борарди.

Ортидан бир эркак яқинлашди ва:

— Ғоят сулуvsиз, вафодорим бўлинг, — деди.

Аёл бошини чайқаб, майин табассум билан:

— Мендан сизга ёр чиқмайди. Ортимиздан келаётган аёл мендан кўра сизга кўпроқ муносиб. У ҳам сулуvликда бошқалардан қолишмайди, — деди.

Эркак ортига ўгирилди ва бадбашара бир аёлга кўзи тушди.

— Йўқ! — рад этди дарҳол.

— Кўнглим ёлғиз сизни дейди.

Хоним жавоб берди:

— Агар ишқингиз чинданам менга тушганида, ортга ўгирилмасдингиз!

## БАХТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Спинни БАЗУКАВИЦ

**И**кки ёш йигит гўзал қизларнинг ёнига яқинлашиб, улардан турмушга чиқишларини сўрашди.

Йигитлардан бири: — Сизга фақат юрагимни ҳада эта оламан. Иккинчидан бирингиз унга киришга ва қийин дамларда доимо бирга яшашга рози бўлсангиз, мени бахтиёр этардингиз, — деди.

Иккинчиси эса:

— Мен иккинчи яримга катта қасрда яшашни таклиф қиламан. Ҳаёт қувончларини биргаликда бўлишиб яшаймиз. Нима дейсиз? — деди.

Қизлардан бири ўйламасдан шундай жавоб қилди:

— Сиз таклиф қилаётган юрак мен учун жуда торлик қилади, ғалати йигит. У бор йўғи мана шу кафтимга сиғади, холос. Мен қандай қилиб унинг ичига кираман, бахт учун биргина муҳаббат ва юракнинг ўзи камлик қилади, шундай эмасми? Мен саройда яшашни маъқул кўраман. Уйлайманки, кенг хоналарда зерикмасам керак. Маҳобатли сарой ёруғ бўлади ва у ерда бахтиёр яшайман, бунга ишончим комил.

Қасрда яшашни таклиф қилган ёш йигит қизнинг қўлидан тутиб:

— Сенинг ҳуснинг бир эмас, ўн қасрга арзийди, — деди ва ўзи билан олиб кетди.

Иккинчи қиз етти марта ўлчаб, бир марта кесадиғанлар тоифасидан эди. У ўзига хос назокат билан:

— Дунёда инсон юрагидан бўлак кенг ва ёруғ гўша йўқ. Унга дунёдаги бирорта ҳам ҳашаматли сарой тенглашолмайди, — деди.

Қиз бахтга эришининг душвор йўлини танлади. Бу йўлни босиб ўтиш унга осон кечгани йўқ. Ниҳоятда қийин вақтларда ҳам турмуш ўртоғини қўлаб-қувватлаб, унга елкадош бўлди. Эр-хотинлар биргаликда ҳаёт давомида кўпгина синовлардан ўтди. Аёлни муҳаббатга тўла юракнинг оташи иситарди. Бу кенг ва катта қалб соҳибини у бутун умр севиб яшади. Икки ёш ўзини жуда бахтли ҳис этарди. Йўл охирида улар ёруғликка эришди. Нур эса бу оилага абадий муҳаббат ва бахт туҳфа қилди.

Бой йигитни танлаган паривашга маҳобатли қасрнинг кенг, ёруғ хоналари узоқ вақт шодлик ва бахт улашолмади. Кўп ўтмай, у яшаётган саройи қанчалар катта бўлмасин, барибир, чегаралари борлигини англади. Гўзал қиз ўзини худди олтин қафасга тўшиб қолган бўлб мисоли бахтсиз ҳис эта бошлади. Деразалардан ташқарига қараганида унинг нафаси бўғилиб бо- раётгандек туюларди гўё, бу қасрдан кўчага чиқишга эса сира йўл тополмасди. Алақоқибат, париваш энди ҳеч қачон ҳақиқий бахт нималигини ҳис қилолмаслигини тушуниб етди. У хато қилганини билса-да, абадий бахтга элтувчи йўл аслида қайси эканлигини англашга, барибир, ожизлик қилди. Ҳаётдан кўнгли қолган гўзал ғамгин аёлга айланди ва бир куни ўзи танлаган олтин қафасда, яъни маҳобатли қасрда вафот этди.

ЖАҲОН  
АДАБИЁТИ  
ХАЗИНАСИДАНТАҚДИР  
Стивен  
МЕРЕЦКИЙ

**В**ақтлар- аро сая- хатчи- нинг хаёли: "Пароль нима эди-я?"

ЖАННАТ ВА  
ЖАҲАННАМ

Эндрю ХАНТ

**Б**ир инсон Тангрининг жамолини кўришга муяссар бўлибди. У Яратганга дебди:

— Мен жаннат ва жаҳаннамни кўришни истайман.

Худо уни икки эшик олдига олиб келибди. Биринчи эшик ортида улкан дастурхон ўртасида ҳиди иштаҳани қитиқлайдиган овқат тўла қатта идиш қўйилган.

Дастурхон атрофида ўтирганларнинг кўриниши абгор, очликдан силласи қуриган. Барининг қўлига узун қошиқ боғланган. Улар овқатни қошиққа олиши мумкин экан-у, лекин қошиқнинг узунлиги оғизга таомни солиб егани ҳалал бераркан. Бояги киши бояқишларнинг ҳолини кўриб, раҳми келганидан қаттиқ таъсирланибди.

— Бу жаҳаннам, — дебди Худо.

Ҳалиги киши иккинчи эшикдан ичкарига кирибди. Бу ерда ҳам худди шундай дастурхон ва ширин таом тўла идиш бор экан. Уларнинг ҳам қўлига узун қошиқ боғланган, лекин ҳаммасининг қорни тўқ, ўзлари эса қувноқ эди.

— Тушунмаяпман, бу қандай ҳол бўлди? — ўйланди бояги киши.

— Бунинг ҳеч ажабланидиган жойи йўқ, — дебди Тангри. — Булар бир-бирига яхшилик қилади, яъни ўз қошиғи билан бир-бирини тўйдирди. Шунинг учун буларнинг усти бут, қорни тўқ ва ўзи бахтиёр. Дўзахдаги одамлар эса фақат ўз қорини ўйлайди. Шу бахиллиги учун ҳам уларнинг ҳаммаси оч ва абгор.

"Драбблар" китобидан олинди.

Бош муҳаррир:  
Муҳаммаджон ОБИДОВ

МУАССИС:  
«Farg'ona haqiqati» va  
«Ferganskaya pravda»  
gazetalari tahririyati» MChJ

2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521

Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босяхонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-3 формат (8 саҳифа)да 9 357 нусхада чоп этилди. Буюртма: 400. Босяхона манзили: Марғилон шаҳар, Туркистон кўчаси, 236-«б» уй.

Бизнинг манзил:  
150114, Фарғона шаҳри,  
Соҳибкирон Темур кўчаси, 28-уй.

Бош муҳаррир қабулхонаси:  
(факс) 73-226-02-70.  
Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24.

Саҳифаловчи: Алишер Розиков.

Босишга топшириш вақти: 19.00.  
Топширилди: 19.00.



Газета сеианба ва жума кунлари чиқади.

■ Баҳоси келишилган нарҳда.

■ Навбатчи муҳаррир: Ботир Мадидёров.